

ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА ОТЛАРНИНГ ТАКРОР ОРҚАЛИ ЯСАЛИШИ ҲАҚИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336804>

Юсупова Хилола Саъдулла қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитойшунослик факультети

Хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси

Тел.: +998909250207, e-mail: Hilola_7893@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада ҳозирги хитой тилида отларнинг такрор орқали ясаилиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Хусусан, отларнинг учта модели ‘АА’, ‘ААВВ’, ‘ААВ’ таҳлил қилинган ва мавзу юзасидан тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: такрор, редупликация, модель, сўз, морфема, сўз қўшиш, иероглиф, суффикс.

Annotation: This article examines the features of noun formation in modern Chinese. In particular, three models of nouns "AA", "AAVV", "AAV" were analyzed and relevant conclusions were given.

Key words: reduplication, model, word, morpheme, word addition, suffix.

“Редупликация” термини “такрорлаш”, “икки марта қайтариш” маъносини англатади¹, у редупликатив сўз ҳосил қилиш усули ҳисобланади². Редупликатив сўз термини айна сўзни такрор ҳолда қўллаш билан тузилган сўзга нисбатан айтилади³. Хитой тилидаги от туркумига оид сўзларда редупликациянинг ‘АА’, ‘ААВВ’, ‘ААВ’ моделлари мавжуд.

Отларнинг ‘АА’ редупликатив модели: бу асосан қариндошчилик атамаларини ифодалувчи сўзларга хос: 爸爸 “ота”, 妈妈 “она”, 姐姐 “опа”, 妹妹 “сингил”, 公公 “қайнота”, 婆婆 “қайнона”, 伯伯 “амаки” (отанинг акаси), 叔叔 “амаки” (отанинг укаси), 爷爷 “опоқи”, 奶奶 “буви” ва бошқалар.

Бир бўғинли отларнинг аксарияти редупликациянинг ‘АА’ моделига эга. Бундай отларнинг кўпи ҳисоб сўзи вазифасида қўлланилади ва “ҳар”, “ҳар бир” маъносини беради: 天天 “ҳар кун”, 日日 “ҳар кун”, 月月 “ҳар ой”, 年年 “ҳар йил”, 队队 “ҳар бир команда”, 区区 “ҳар бир район”, 国国 “ҳар бир давлат”. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

人人都应该保护自然环境⁴ “Ҳар бир одам атроф-муҳитни ҳимоя қилиши зарур”.

你一个人要事事小心⁵ “Сиз ҳар бир ишда эҳтиёткор бўлишингиз керак”.

Отларнинг ‘ААВВ’ редупликатив модели. ‘ААВВ’ редупликатив модели асосида ҳосил бўлган сўзлар кўпик маъносини ифодалаб, мазмунни умумлаштиришга хизмат қилади: 山山水水 “тоғ ва дарёлар”, 风风雨雨 “шамол ва ёмғирлар”, 家家户户 “ҳар бир оила”, “ҳар бир уй”, 祖祖辈辈 “аждодлар”. Масалан:

他时时刻刻不忘自己的责任⁶ “У ҳеч қачон ўз маъсулиятини эсдан чиқармайди”.

¹ Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – Б. 26.

² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 101.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 102.

⁴ 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年. – 页 88.

⁵ 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年. – 页 89.

家家户户都帮助他恢复家屋⁷. “Хар бир оила унга уйини тиклаб олишига ёрдам берди”⁸.

Отларнинг ‘ААВ’ редупликатив модели. Бу модель хитой тили Пекин диалектининг оғзаки нутқида хос. Масалан: 毛毛虫 “кўсак курти”, 毛毛雨 “қиров”, 窝窝头 “бўғирсок” (зоғора унидан бугда пиширилган нон) ва бошқалар. Ушбу модель янги сўз ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Хитой тилида отларда редупликация кам учрайди. Бу ҳодиса, асосан, боланинг оғзаки тилига, шунингдек, нутқнинг эмоционаллигини кўрсатиш учун қўлланади. Бунда редупликатив от бирламчи отнинг маъноси ва функциясига эга бўлади. Масалан: хитой тилидаги 饼 “бисквит”, “кекс” сўзи боланинг оғзаки нутқида 饼 饼 кўринишига эга. Таҳлиллар натижасида от сўз туркумига доир сўзларнинг тўртта редупликатив модели аниқланди. Шулардан бир бўғинли отларнинг ‘АА’, икки бўғинли отларнинг ‘ААВВ’ моделлари маҳсулдор, икки бўғинли отларнинг ‘ААВ’, ‘АВВ’ моделлари маҳсулдор эмаслиги аниқланди. Отларнинг ‘АА’ модели асосан қариндошчилик атамаларини ифодалувчи сўзларга оид. ‘ААВ’ модели бўйича ясалган сўзлар “қўплик” маъносини ифодалаб, мазмунни умумлаштиришга хизмат қилади. ‘АА’ моделига эга бўлган от сўз туркумига оид сўзларнинг кўпи ҳисоб сўзи вазифасида қўлланади ва “хар”, “хар бир” маъносини беради. Редупликатив от гапда асосан эга ёки тўлдирувчи вазифасида келади. Ҳисобларга кўра, отлар жами редупликатив сўзларнинг 6%ини ташкил этади. Исмий сўз туркумлари орасида отларда редупликация кенг қўлланади.

REFERENCES

1. Горелов В. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – 321 с.
2. Фролова О. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Н., 1981. – 132 с.
3. Хаматова А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 223 с.
4. Хашимова С. Ҳозирги хитой тилида редупликация. аффиксация ва конверсия. – Т., 2020. – 328 б.
5. Хашимова С. Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Т.: Jahon Press, 2012. – 150 б.
6. 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年.
7. Zhang Jin. Xiandai hanyu. – Shanghai, 1984
8. Рахматуллаева, Д. М. (2021). 浅谈汉语声调教学问题. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 344-348.
9. Hashimova, S. A. (2021). On some grammatical features of doubling in linguistics. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(7), 114-119.
10. Nuriddinov, N., Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., & Djafarov, B. (2021). COPULATIVE COMPOUNDS MADE BY INTERFIX 词头. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 65-69).
11. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.

⁶ 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年. – 页 90.

⁷ 故播刘. 实用现代汉语语法. – 北京, 2003年. – 页 91.

⁸ Zhang Jin. Xiandai hanyu. – Shanghai, 1984. – 页115.

12. Насирова, С. А. (2021). ПОЛИТИЧЕСКАЯ МЕТАФОРА (НА ПРИМЕРЕ МАТЕРИАЛА ПО КАДРОВОЙ ПОЛИТИКЕ СОВРЕМЕННОЙ КНР). In *Recent Scientific Investigation* (pp. 69-73).
13. Хашимова, С. (2022). О ЯВЛЕНИИ КОНВЕРСИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 20), 87-94.
14. Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., Nuriddinov, N., & Djafarov, B. (2021). THE TERMS FORMATTED WITH ARABIC LOANWORDS IN THE PERSIAN LANGUAGE. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 201-206).
15. Khalmurzaeva, N. (2022). ANALYSIS OF THE STUDY OF THE PHENOMENON OF “INTERCULTURAL COMMUNICATION”. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 22), 83-87.
16. Abdullayevna, N. S. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии Насирова Саодат Абдуллаевна. *КИТАЙСКАЯ ЛИНГВИСТИКА И СИНОЛОГИЯ*, 3, 384.
17. Хашимова, С. (2022). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ОБРАЗОВАНИЯ МЕСТОИМЕНЕЙ С ПОМОЩЬЮ АФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Sharq ta'shali/Vostочный факел*, 14(1), 53-59.
18. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура: сборник материалов XI-й международной научно-практической конференции/Под ред. проф. Абуевой НН Махачкала: ДГТУ. 391 с* (p. 361).
19. NS Abdullayevna. 上合组织国家的科学研究:协同和一体化. In *上合组织国家的科学研究:协同和一体化*, 87, 0